Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

9 сентябрь, сешанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 188 (1705)

## «КЕЙС КОРПОРЕЙШН» ЎЗБЕКИСТОНДА

Пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ»да АҚШнинг «Кейс» корпорацияси маҳсулотлари кўргазмаси очилди. Бу корпорациянинг Ўзбекистондаги биринчи кўргазмаси бўлиб, унда 40 турдан ошиқ қишлоқ хўжалик техникаси, қурилиш машиналари, шунингдек, турли хил асбоб-ускуналар намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросимида Бош вазир Ўткир Султонов нутқ сўзлаб, тадбир ташкилотчиларига муваффақият тилади.

«Кейс» корпорацияси президенти ҳамда унинг Европа, Африка ва Яқин Шарқ бўйича иш бошқарувчиси Леополд Платтерн ўз сўзида кўргазмага қўйилган машиналар чидамли, ихчам ва камхаражат экани билан харидорни ўзига жалб қила олишини таъкидлади.

«Кейс» корпорацияси қишлоқ хўжалиги ва қурилиш машиналарини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича дунёдаги энг қудратли ишлаб чиқариш корхоналаридан бири ҳисобланади. Ўзининг илк фаолиятини бундан 150 йил муқаддам тегирмонлар учун буғдой янчгичларни ишлаб чиқариш билан бошлаган мазкур корпорация бугун дунёнинг 150 мамлакатида иш юритади.

Ўтган йили Ўзбекистон билан ушбу корпорация ҳамкорлигида Тошкентда «Ўзкейсмаш» қўшма корхонаси ишга туширилган эди. Айни пайтда эса мазкур корхона илк маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади. «Ўзэкспомарказ»да очилган кўргазмада ушбу қўшма корхона маҳсулотларини ҳам учратиш мумкин. Яқинда эса «Кейс» раҳбарлари Ўзбекистон билан яна бир қўшма корхона -- «Ўзкейссервис» очиш ниятида эканини маълум қилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Бош вазир ўринбосари А. Муҳиддинов, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири М. Жуманиёзов иштирок этди.

Кўргазма 10 сентябрга қадар давом этади.

(ЎзА).

## САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами -- Мустақиллик куни муносабати билан арман халқи ва шахсан ўз номимдан йўллаган табрикларни ва тинчлик ҳамда фаровонлик тилаб билдирган самимий истакларимни қабул қилгайсиз. Икки томонлама муносабатларимиз мамлакатларимиз ва халқларимиз бахт-саодати йўлида ривожланиб, такомиллашиб бораверишига аминман.

**Ҳурмат билан,**
**Левон Тер-ПЕТРОСЯН, Арманистон Республикаси Президенти.**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Ўзбекистон Республикаси миллий байрами - Мустақиллик куни муносабати билан, шахсан ўз номимдан, Иордания Ҳошимийлар подшолиги ҳукумати ва халқи номидан, Сизга, жаноби олийлари ва дўст Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни йўллаш менга зўр мамнуният бахш этади.

Икки миллат ўртасидаги яхши муносабатлар мамлакатларимиз ва халқларимизнинг ўзаро манфаатлари йўлида гуллаб-яшнаши ва мустаҳкамланишига асло шубҳам йўқ.

Сиз, жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва муваффақият, мамлакатингизга Сизнинг оқилона раҳбарлигингиз остида доимий юксалиш ва равнақ тилайман.

**ҲУСАЙН,**
**Иордания подшоси.**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Мустақиллик куни муносабати билан Сиз жаноби олийларига зўр мамнуният билан қувайт халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табриклар йўллайман.

Сиз, жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

**Жобир Ал-Аҳмад Ас-САБОҲ, Қувайт давлатининг амири.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Ўзбекистон Республикаси Миллий байрами муносабати билан табрикларим ва энг яхши истакларимни қабул қилгайсиз.

Халқларимизнинг бахт-саодати ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти равнақи йўлида Польша билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорлик янада ривож топишига аминман.

Ўзбекистон халқига самимий тилакларимни йўллайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Александер КВАСЬНЕВСКИ,**
**Польша Республикаси Президенти.**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингиз Мустақиллик кунининг олти йиллиги муносабати билан Сиз Жаноби олийларига Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий қутловларимни йўллаётганимдан беҳад мамнунман.

Сизга бахт-саодат, мамлакатингиз халқига фаровонлик ва равнақ тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Зайд бин Султон Ол-НАҲАЙЙАН,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингиз Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, жаноби олийларига самимий табрикларимни йўллашдан мамнунман.

Сизга сиҳат-саломатлик, мамлакатингиз халқига равнақ тилайман.

**Мактум бин Рашид Ол-МАКТУМ,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири.**

*Хоразм вилояти:*

## ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

### МАЪЛУМОТНОМА

Хоразм республиканинг шимоли-ғарбида жойлашган. Ҳудуди-6,5 минг квадрат километр.Аҳолиси - 1,25 миллион киши. Вилоят ер майдони мамлакатимиз ҳудудининг салкам 1,5 фоизини, аҳолиси эса 4,5 фоизини ташкил этади.

Вилоятда 9 туман (Боғот, Гурлан, Урганч, Хонқа, Шовот, Янгиариқ, Янгибозор, Қўшкўпир, Ҳазорасп), 3 шаҳар (Урганч, Хива, Дўстлик), 7 шаҳарча (Гурлан, Хонқа, Чалиш, Шовот , Янгибозор, Қўшкўпир, Ҳазорасп), 97 тадан ортиқ қишлоқ кенгашлари бор.

Аҳолининг кўпчилик қисми қишлоқларда яшайди.Уларнинг асосий машғулоти - деҳқончилик. Кейинги йилларда саноат корхоналари ҳам қишлоқларга кириб келмоқда. Хусусан, пахтани қайта ишлаш,тўқимачилик ва тикувчилик саноати жадал ривожланаяпти. Гурлан, Боғот, Хонқа ва Ҳазорасп туманларида қатор саноат корхоналари ишга туширилди.



## ВОҲАДА ТЎЛИШИШ ФАСЛИ

***Мустақил Ўзбекистон -- тўлин камалак, Хоразм унинг ўткир бир ранги! Бу рангнинг ўз ҳаёти, ўз фалсафаси бор. Бу хоразмликларнинг ўтмишида, бугунги ўзига хос турмуш тарзида намоён.***

Улуғ шоирларимиздан бири: «Хоразмнинг ҳар бир ғиштида боболарнинг ижоди яширинки, у бутун-бутун халқларнинг тарихига тенгдир», -- деган эди. Дарҳақиқат, ҳар бир ғиштида катта ҳикмат яширинган бу юртни кимлар бунёд этган?

Унинг меъморлари хоразмийлар, замахшарийлар, берунийлар, тўрабекхонимлар, паҳловон маҳмудлар, жалолиддинлар, огаҳийлардир. Айни шу аломмалар бу воҳанинг афсоналарини яратишган.

Ўтмишда Хоразм жаннатмакон боғлари билан ҳам донг таратган. Собиқ иттифоқ даврида хуторларни тугатиш баҳонасида бу боғроғлар йўқ қилинди, улар ўрнига пахта экилди. Хоразм пахта хомашёси етказиб берадиган базага айлантирилди.

Ҳозир воҳада тўлишиш фасли. Мустақилликнинг 6 йиллиги мобайнида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли барча соҳаларда туб ўзгаришлар юз берди. Айниқса, қишлоқ хўжалигида эришилаётган натижалар эътиборга лойиқ. Бу йил воҳа тарихида биринчи марта ҳар гектар ердан 42 центнердан дон олинди, жами 120 минг тонна хирмон уюлди.

Вилоят саноатчилари қўлга киритган ютуқлар ҳам қувонарли. Ўтган етти ой давомида улар ҳаракатлардаги нархларда 11178,8 млн. сўмлик, таққосланган нархларда 10468,8 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат маҳсулотлари ҳажми 4,5 фоиз, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса 7,9 фоиз ошди. Бугун ишлаб чиқаришнинг нодавлат секторида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 92,9 фоизга етди.

Жорий йилда, шунингдек, мавжуд Урганч ўт ўриш машиналари заводи, экскаватор таъмирлаш, қишлоқ хўжалик техникаларини махсус таъмирлаш корхоналари сафига «Кока-кола» фирмасининг салқин ичимликлар заводи, Гурлан туманидаги тўқимачилик мажмуаси, Қўшкўпир туманидаги пиллани қайта ўраш, гилам тўқиш ва қатор консерва цехлари қўшилди.

Урганч шаҳрида «Ўзалоқа ДЭУ» Корея-Ўзбекистон қўшма корхонаси, Боғот туманида «Хива» Ўзбекистон-Буюк Британия-Россия қўшма корхонаси, Хонқа туманида «Хонқа -Шуя» қўшма корхонаси, Шовот туманида «Шох-кор» Ўзбекистон-Корея қўшма корхоналари ишга туширилди.

Зеро, саноатнинг қишлоқ жойларига кириб бориши кўплаб одамларни иш билан таъминлаш имконини берди. Масалан, Гурлан туманидаги тўқимачилик комплексидаги хорижий техникаларни бугунги кунда 1400 нафар қишлоқ ёшлари бошқармоқда. Ёки бўлмаса, Урганч туманида барпо қилинган «Ўзалоқа ДЭУ» қўшма корхонасида ўнлаб қишлоқ аҳолиси меҳнат қилмоқда.

Вилоятда 1997-2001 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури ишлаб чиқилган. Бу дастур изчил амалга оширилмоқда.

## БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Бекободда, «Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металлар парчаларини тайёрлаш ва қайта ишлаш учун топшириш масалаларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни шу комиссиянинг раиси, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.*

*Мажлисда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар, иккиламчи металл хомашё тайёрлаш билан шуғулланувчи бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.*

*Комиссия йил бошидан буён қилинган ишларнинг якунларини кўриб чиқди. Шу даврда белгиланган миқдорда қора металл парчалари тайёрланди, рангли металлар парчаларини тайёрлашда бироз қолоқликка йўл қўйилди.*

*Республика бўйича металл парчалари тайёрлаш ва топшириш ишларининг натижалари умуман қониқарли, лекин бир қанча вилоятларда режалаштирилган кўрсаткичларга эришилмади. Хусусан, Қорақалпоғистонда, Навоий, Сирдарё ва бошқа айрим вилоятларда шундай бўлди. Кўпгина вазирликлар ва идоралар, айниқса «Ўзсувқурилиш», «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» ҳамда бошқа ташкилотлар бу ишда қолоқликка йўл қўйди. Ҳолбуки, металл парчаларини топширувчи барча ташкилотлар каби булар ҳам металл парчаларини тайёрлаш ва шу ҳисобдан ишлаб чиқариш учун зарур буюмларни олишдан бевосита манфаатдордир. Бундан ташқари металл парчалари тайёрлаш ва топширишни рағбатлантириш тартиби амал қилмоқда, бу тартибга кўра, иккиламчи хомашё ўз вақтида топширилиши, сифати ва миқдори ҳам ҳисобга олинади.*

*Таҳлилнинг кўрсатишича, иккиламчи металл хомашё йилнинг ҳар чораги давомида бир маромда топширилмаяпти, оқибатда «иккиламчи қора металл» тайёрлаш пунктларида иш ҳажми ўзгариб, хомашёни ҳисобга олиш қийинлашмоқда. Рангли металлар парчаларини тўплаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш чоғида бузилишларга ҳам йўл қўйилмоқда.*

*Ҳозирги вақтда Ўзбекистон халқ хўжалиги тармоқлари учун тайёр металл буюмларнинг кўпчилик турлари билан ўзини мустақил таъминлашга қодир эканлиги мажлисда айтиб ўтилди. Бу эса бундай маҳсулотларни республикадан ташқаридан сотиб олиш учун илгари сарфланган катта маблағни тежаш имконини бермоқда.*

*«Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси металл прокатнинг янги турларини ишлаб чиқаришни мунтазам ўзлаштирмоқда, масалан, кон-руда саноати учун турли диаметрдаги тош майдалайдиган шарлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, тез ривожланаётган қурилиш мажмуи учун ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг турлари кўпаймоқда. Ҳозир корхонада ишлаб чиқариш кенг кўламда қайта қурилмоқда, натижада тез орада комбинатнинг барча имкониятларини рўёбга чиқариш, маҳсулот сифатини яхшилаш мумкин бўлади. Лекин бунинг учун хомашё заҳираларини тўлдириш талаб қилинади.*

*Комиссия мавжуд камчиликларни бартараф этиш, тайёрлаш ва транспорт ташкилотлари металл парчаларини бир маромда етказиб бериши учун зарур шарт-шароитни таъминлаш, иккиламчи хом ашёни топшириш мажбуриятлари сўзсиз бажарилиши учун чора-тадбирлар кўриш юзасидан аниқ топшириқлар берди. Бу иш учун масъулият ҳокимликлар, вазирликлар ва идораларнинг биринчи раҳбарлари зиммасига юклатилди.*

*Комиссия мажлисида Тошкент вилояти ҳокими Э. Рўзиев иштирок этди.*

**(ЎзА).**

● *МАЪНАВИЯТ*

# ТАРБИЯ ВА МУҲИТ

- **«Бир ўчиб, бир сўниб... яна ёниш бор»**
- **«Ўзининг қадрини билган халқ...»**
- **Улуғ салафларимизга иззат-икром**

***Йўлим тушиб, яқинда Сурхон воҳасида бўлдим. Регарга ёндош қишлоқда яшовчи бир таниш дардга чалиниб оламдан ўтган экан, таъзияга кирдик, отаси—кўпни кўрган оқсоқол, куюб кетган, одамнинг тафтини одам олади, деб пича бақамти ўтирдик.***

Оқсоқол дилбандининг журъатсизлигидан норозиланди, операция қилишларига унамади у, деди, шунинг оқибатида ҳаётдан эрта кўз юмди, кейин ўзи ҳам пушаймон қилди, лекин кеч эди. Энди... у эмас, бу эмас, тақдир, пешона. Бу-ку, паймонаси тўлган экан, ўз ажали билан кетди, мана икки қадам нарида нималар содир бўлмаяпти дейсиз? Бир пайтлар бюродан эзилиб чиқсак, шундай чегара ошиб, биродарларнинг қишлоғига кириб борар эдик, сўлим, хушманзара, улар билан гурунг қилиб, кечга довур чигилни ёзиб қайтар эдик. Ҳозир-чи? Град билан уриб, қишлоқларни теп-текис қилиб ташлашган. Итдаям, битдаям қурол. Қариндош-уруғ бир бўлиб, мол-ҳолини сотиб, бронетранспортёр сотиб олишган. Арзимаган машмаша чиқсаям қурол воситасида ҳал этилади. Одамнинг сариқ чақачалик қадри йўқ. Кўчадан ўтиб кетаётган йўловчи кўзига ёмон кўриниб қолса, шартта отиб ташлайди. Шунинг учун ҳам эркаклар ҳовлидан ташқарига чиқа олмайди, аёллар... э-э, нимасини айтасиз, ука. Қурол одамларнинг қўлида экан, тинчлик бўлмайди.

Бундан олти йил муқаддам Ўзбекистондаги вазиятни эсланг, керосин сепилган эди-ю, гугурт чақилишига йўл қўйилмади, холос. Аллоҳга шукрки, халқимиз шуни англаб етди, қаддини ростлаб олди, энди кам бўлмайди...

Оқсоқол билан хайрлашгач, қайтар эканмиз, эҳтирослар жунбушига чиққан ўша йиллар ёди менинг хаёлимни банд этди. Бир кун узоқни кўрадиган номдор шоир шундай ҳасрат қилган: шу кеча бемаҳал чўчиб уйғондим. Кимдир кўчада нолаи афғон қилаяпти. Босқинчилар талаб кетганми? Лекин қани энди журъат бўлса-ю, чиқиб кўнгил сўрасанг! Зимистон. Эшик ортида аллаким қилич яланғочлаб тургандай гўё, киши ўзингни шунчалар ёлғиз ҳис этасанки, чидаш қийин ҳатто, йўлидан адашиб, қоп-қоронғи ўрмонда улоқиб юрган галага ўхшаймиз.

Худди ўша кезлар она тилимизга давлат тили мақоми бериш ҳақида қарор қабул қилинди. Ва эртаси кун ишга бориш учун метрога тушиб ажиб бир ҳолатнинг шоҳиди бўлдик. «Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади. Кейинги бекат -- Ҳамид Олимжон». Соф она тилингда жаранглаётган бу сўзлар юракни титратиб юборар эди. Теварак-атрофда — миллий мадҳиясини тинглаётган каби сурур туяётган, кўзлари намланган кишилар. Йўқ, улар тилшунос олимлар эмас, зиёлилар эмас, оддий одамлар эди. Ўшанда сўнгги бекатгача қандай бориб қолганимни ҳатто сезмаганман. Кўпдан дийдорини соғинган кишимни учратгандай бир ҳолат туйганман. Кўнгилда ғурур уйғонган.

Биз Ленин ҳайкали олиб ташланишига гувоҳ бўлганмиз, озмунча мутахассис жалб этилмаган бу ишга, шунда-да унинг гуноҳкор боши илгакдан чиқиб тушиб кетишига жуда оз қолган.

Биз бунга замон ўзгариши билан боғлиқ ислоҳ деб қараганмиз ва аслида ҳам шундай. Лекин бу изчил сиёсат эканлигини, куни битган мафкура ўша ҳайкаллар баробарида юрагимиздан суғуриб олиб ташланаётганини бир қадар кеч идрок этдик.

Иқтисодий тикланишлар даври бўлишига қарамай, инқилоб хиёбони ўрнида кўркам Амир Темур хиёбони барпо этилди, унинг юрагида набираларини ақл-идрокка даъват этувчи соҳибқироннинг улуғвор ҳайкали қад ростлади.

Имом ал-Бухорий мақбараси, Баҳоуддин Нақшбанд масжиди таъмирланди, бу азиз зиёратгоҳларда бутун бошли ансамбллар барпо этилди.

«Аҳмад Яссавий ва маънавий қадриятлар» анжуманида, муҳташам «Туркистон» саройида ўтириб, дунёнинг турли бурчакларидан келган шайхлар, фозиллар, уларнинг улуғ салафларимизга иззат-икромини кўриб, кўзларимдан ёш чиқиб кетди, -- деган эди Абдулла Орипов. -- Шундай кунларга етказганига шукр!».

Ўтмиш, маънавий қадриятлар ҳаётимизга шу тарзда кириб келган.

Бундан уч йил муқаддам Амир Темур, имом ал-Бухорий мақбараси, Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасини зиёрат қилган турк шоири Ҳусайн Ўзбой беихтиёр шундай деган: -- Ўзбекистоннинг ўтмиши-да буюк, ҳозири-да буюк, келажаги-да буюк! Зеро, буюкликдан ҳамиша буюклик туғилган.

Йўқ... ўлим йўқдир!

Ёлғиз бир ўчиб... бир сўниш бордир!

Бир ўчиб, бир сўниб... яна ёниш бор.

Яна баҳорлар, яна лолалар,

Яна Сиз, эй, эркин толалар!.. -- дея бу кунлардан умид узмай ўтиб кетган Чўлпон шеърияти, Фитрат, Беҳбудий маърифати, «Жаҳон адабиёти»дан токи Қуръони Каримгача кўнгилдаги ғуборларни чайиб ташлаб, маънавият уйини мунаввар этмоққа киришди.

Бир ёнда халқаро шеърият байрами, бир ёнда «Шарқ тароналари», бир ёнда Осиё ва Африка халқлари киноанжумани...

«Тошкент дунёдаги энг кўркам, бутун инсоният тўплаган маънавий бойликларни ўзида мужассам этадиган Шарқ жавоҳирига айланиб бормоқда», деди Чингиз Айтматов. Ва бу бежиз эмас.

Модомики, халқимиз қаддини ростлаб олиши учун маънавият борасида қилинаётган ишлар изчил, моҳиятан теран ва кўламли экан, нега бундан бир йил аввал «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида» Президент Фармон қабул қилди?

Маънавий тарбия овлоқ қишлоқларга ҳам, тоза қон янглиғ ҳар бир юракка етиб бормас экан, кутилган натижага эришиш қийин. Шу маънода бу борада қилинган ишлар ҳам кишини қувонтиради, ҳам кўнгилда ташвиш қўзғайди. Нега?

Бир мисол: «Тафаккур» журналини жойларда кенг ёйиш Фармонда алоҳида уқтирилган, хўш, натижа қандай? Журналхонлар сони бу йил ўн уч мингга етди. Ўсиш бор. Аммо Ўзбекистонда 23 миллион киши истиқомат қилади. Умумтаълим мактабларининг ўзи ўн мингга яқин. Яна қанча олий, ўрта махсус ўқув юртлари бор. Агар шу инобатга олинса, кўнгил тўлмайди бундан. Демак, қуйи қатлам раҳбарларининг аксарияти ҳамон маънавият билан боғлиқ ишларга иккинчи даражали масала деб қарашади ёхуд унинг фарқига боришмайди.

Ислом Каримов «Маънавиятнинг бош ҳомийси Республика Президенти бўлади!» деганида шошиб қолган раҳбарлардан бири шудгор қилинган далани айланиб юриб, плугнинг синиғига қоқилиб кетган ва бригада бошлиғига қараб ўшқирган: «Сенинг далангга қачон маънавият кириб келади ўзи?»

Албатта, маънавиятга бундай юзаки қараш, қўл учида иш қилиш тараққиётга заҳа етказади. Шунинг оқибатида газета ва журналлар аксарият ҳолларда жамоа хўжалиги идораларигача етиб бормоқда, холос. Ундан нарига ёйилиши қийин кечади. Ва бу ҳол жойлардаги айрим раҳбарларни негадир ташвишлантирмайди. Маънавий-маърифий ишлар энг қуйи қатламда илдиз отсагина, у кутилган мевасини бера бошлайди.

Ўтган азизлар инсон кўнглини саҳродаги қуш қанотининг шамол ўйнаётган патига қиёслайдилар, у шу қадар нозик, шу қадар таъсирчанки, ҳар бир Сўзнинг муқаррар изи қолади. Шу маънода даъватли Сўзларда ҳикмат бор. Агар сиз келин-куёв никоҳини қайд этиш бўлимларига кирсангиз, аксарияти ҳувиллаб ётганлигига гувоҳ бўласиз. Минг бир ҳаяжон билан бу ерга оёқ босаётган ёш-яланглар никоҳ тузилганлиги ҳақидаги шаҳодатномадан бўлак яна нима олиб қайтади? Оиланинг қадрини англатувчи ўтли Сўз нега деворга битиб қўйилмаган? Оиланинг нечоғлик муқаддас эканлиги, ёшларнинг бўлажак фарзандлари олдидаги бурчи, меҳр-оқибат ҳақида... нега суҳбатлар ўтказиш мумкин эмас? Ахир, бу маънавий тарбиянинг узвий бўлаги-ку!..

Гоҳо бунинг аксини — китоб пештахталарида маънавиятга дарз етказадиган, фаҳш, қотиллик, бузғунчилик руҳидаги олди-қочди асарлар тизилиб турганини кўриб, очиғи, ранжийсан киши.

Кеча дунё сайёҳлари учун Шарқий марказга айланаётган, тарихга дахлдор ҳар бир обида эшигига довур қайта таъмирланаётган, ҳатто қалинлиги олти, баландлиги ўн икки метр бўлган Арк девори асл ҳолига келтирилаётган қадим Бухорони айланиб юриб, олис Франциядан сайр қилиб келган Пьер Жюли билан танишиб қолдик.

-- Парижда Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги нишонланди, -- деди у. -- Шунда бу қадим шаҳарлар, уларнинг тарихи ҳақида эшитиб, юртингизга ҳавасим ошди. Келиб шуларни ўз кўзим билан кўришни ният қилдим. Мана, икки кундирки, Бухородаман, таъмир ишларининг кўлами мени лол қолдирди. Қадим шаҳар худди қайтадан тикланаётганга ўхшайди. Ўзининг қадрини билган халқгина ўтмишини, ўтган азизларини шундай эъзозлайди.

Бухородан қайтгач, қадим шаҳардаги мислсиз ўзгаришлар ҳақида гап очилганда ҳамқишлоқлар менга ишонқирамай қарашди. Шунда бир нарсани ҳис этдим: шундай одамлар борки, ўзи яшаб турган қишлоқда ҳеч бир ўзгариш бўлмаса, унга бутун дунёда ҳеч қандай ўзгариш йўқдек бўлиб туюлади. Шу маънода Президент Фармонидаги иккинчи банд бугун ҳар қачонгидан муҳимдир:

«Ёшларимиз онгига она-Ватанга, буюк аждодларимиз мероси ва халқимизнинг бугунги мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш мақсадида уларни дунёни ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар, маърифат масканлари, юртимизнинг гўзал табиати билан мунтазам таништириб бориш учун махсус таништирув саёҳатлари ташкил этиш барча ҳокимлар зиммасига юклатилсин...»

Ўзбекистонда ҳар бир ҳаракат аслида келажакка қаратилган, маънавият ҳам, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳам, халқ хўжалигидаги ислоҳотлар ҳам, улуғвор қурилишлар ҳам...

Мақсад — ёшларнинг маънавий салоҳиятини ошириш.

«Мана, айрим мамлакатлар, -- деди Ислом Каримов. -- Қанчадан-қанча табиий маъданларга эга, лекин турмуш ўзига яраша, халқ ночор яшайди. Япония эса бунинг акси, гарчи маъданларга эга бўлмаса-да, ишлаб чиқараётган фавқулодда ноёб маҳсулотлари билан ер юзини ҳайратга солиб турибди. Демак, ҳаммаси ақлий, маънавий салоҳиятга боғлиқ!»

Зеро, инсоннинг қонида эзгулик ҳам, ёвузлик ҳам, муҳаббат ҳам, хиёнат ҳам ҳамиша ёнма-ён яшайди. Қайси бир сифатнинг балқиб юзага чиқиши муқаррар тарбияга боғлиқ. Тарбияни эса муҳит белгилайди. Муҳитни яратадиган жамиятдир. Демак, биз барча-барчаси фарзандларимиз учун қилинаётганини, уларнинг кўнглига мунавварлик, ҳаётига файз бағишлайдиган, яратувчилик салоҳиятини юзага чиқарадиган маънавий тарбия эканлигини ҳеч маҳал унутмаслигимиз керак.

**Ғаффор ҲОТАМОВ.**

